

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
томонидан 2025 йил 1 чорагида амалга оширилган
ишлар тўғрисида**

М А Ё Л У М О Т

I. Аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича.

Тасдиқланган дастур (ПҚ-299) доирасида 2025 йилда **5 та** шаҳар ва **48 та** шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда **108 та** қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктларини ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Инвестиция дастури доирасида (ПҚ-454) 2025 йилда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ажратилган **100,0 млрд.сўм** маблағ доирасида, жами **161 та** шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, Бухоро вилоятининг **4 та** ва Хоразм вилоятининг **2 та** шаҳарчаларининг бош режалари тўлиқ ишлаб чиқилиб, бугунги кунда келишиш жараёнида.

Жорий йил 7 мартда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши муҳокамасида Қорақалпоғистон Республикасининг **2 та**, Андижон вилоятининг **2 та**, Сидарё вилоятининг **2 та** ва Фарғона вилоятининг **1 та** жами **7 та** шаҳарчаларнинг бош режалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, жами **49 та** қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш схемалари тўлиқ ишлаб чиқилиб, шундан: **12 та** аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тегишли Халқ депутатлари вилоят кенгаш қарори билан тасдиқланди, **37 та** жамоатчилик ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши муҳокамасидан ўтказилди.

Маълумот учун: республикадаги жами **1 187 та** шаҳар ва шаҳарчаларнинг **388 тасу** (117 та шаҳар (98%) ва 271 та (25 %) шаҳарчалар) ҳамда мавжуд **7 417 та** МФЙларнинг **1 660 тасу** (523 та МФЙлар ва 1 137 та ёндош МФЙ) шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминланган.

II. Аҳолини уй-жойлар билан таъминлаш дастури бўйича.

Уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш мақсадида 2025 йилда **135 минг** хонадон қуриш режалаштирилди.

Унга кўра, жорий йилда **56 та** “Янги Ўзбекистон” массивларида **28 219 та** хонадонли **543 та** уйларни қуриб фойдаланишга топшириш белгиланди.

Жумладан, **15 374 та** хонадонли **286 та** уйлар олдинги йиллардан ўтган, **12 845 та** уйлар янгидан қуриладиган.

Бундан ташқари, уй-жойга талаб юқори ҳудудларда **1 830 та** уйни (95 646 та хонадон) қуриб фойдаланишга топширилади.

Ҳисобот даврида жами **10 979 та** хонадонли **189 та** (784 267 кв.метр) уйлар фойдаланишга топширилган. Шундан “Янги Ўзбекистон” массивларида **2 683 та** хонадонли **36 та** ҳамда талаб юқори ҳудудларда **8 296 та** хонадонли **153 тани** ташкил этади.

III. Ичимлик ва оқова сув тизимлари бўйича.

2025 йилда **37 та** Янги Ўзбекистон массивларидаги объектларда **153,6 км** ичимлик, **117,6 км** оқова сув тармоқлари ва **14 та** ичимлик, **28 та** оқова сув иншоотларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун **419,3 млрд.сўм** ажратилган.

Бугунги кунда **116,6 млрд.сўм** (28 %) маблағ молиялаштирилди ва **65,3 млрд.сўм** (16 %) маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан **48,1 км** ичимлик (31 %), **49,9 км** оқова сув (42 %) тармоқларни қуриш ҳамда **3 та** ичимлик ва **2 та** оқова сув иншоотини қуриш, реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Маълумот учун: 2024 йилда **1,9 трлн сўм** бюджет ҳисобидан **2 003 км** ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда **225 та** иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Шунингдек, халқаро молия институтларининг **179,0 млн.доллар** маблағлари ҳисобидан **926,1 км** ичимлик ва **146 км** оқова сув тармоғлари тортилди.

Натижада, **200 дан** ортиқ маҳаллада **1,3 млн. нафар** аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, **3 млн. нафар** аҳолининг суви таъминоти яхшиланди.

Республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси **77,2 фоиздан 80,9 фоизга** етказилди.

IV. Иссиқлик таъминоти бўйича.

Республикадаги **43 471 та** кўп квартирали уйларнинг **27 462 таси 63,2 фоиз** (1,1 миллион хонадон) марказлашган ва индивидуал иссиқлик тизими орқали иситилмоқда.

Қолган **16 009 таси 36,8 фоиз** (381 минг хонадон) алтернатив усулда, яъни қўлбола печлар, голланд печлари, иссиқ сув колонкалари, электр иситгичлар ёки бошқа турдаги лойиҳасиз иситиш тизимларидан фойдаланиб келмоқда.

Республикадаги **533 та** қозонхоналардан бугунги кунда **501 та** ёки **94 фоиз** қозонхоналар фаолият юритмоқда, **32 та** ёки **6 фоиз** қозонхоналар носоз ҳолатда.

Мавжуд **4 134 км** узунликдаги иссиқлик тармоқларининг **3 609 км** ёки **87 фоиз** қисми иш фаолиятида бўлиб, қолган **522 км** ёки **13 фоиз** узунликдаги иссиқлик тармоқлари яроқсиз ҳолатда.

2025 йилда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш ва модернизация қилиш учун Давлат дастури доирасида **350 млрд.сўм** ажратилган бўлиб, **11 та** лойиҳани амалга ошириш, шунингдек, **9 та** қозонхоналар ва **161 км** иссиқлик тармоқларини қуриш, модернизация қилиш ишлари бошланган.

Бугунги кунда **1,9 км** иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш ишлари амалга оширилди.

Мазкур иссиқлик таъминоти объектларида **80 км** иссиқлик тармоқлари ва **8 та** қозонхоналар 2025 йилда фойдаланишга топширилиши натижасида, **21,5 мингта** хонадондан иборат **413 та** кўп қаватли уйлар ва **42 та** ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти яхшиланади.

“Янги Ўзбекистон” массивларида иссиқлик тизимларини қуриш учун **23 та** лойиҳага **150 млрд.сўм** ажратилган. Бугунги кунда **20 та** қозонхона ва **83 км** иссиқлик тармоқларини қуриш ишлари бошланган.

Бугунги кунда **14,2 км** иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш ва **32 та** қозонларни ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

2025 йилда **83 км** иссиқлик тармоғи ва **15 та** қозонхона фойдаланишга топширилиши натижасида, **8,5 мингта** хонадондан иборат **342 та** кўп қаватли уйлар ва **15 та** ижтимоий соҳа объектлари иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик доирасида Жаҳон банки кўмагида Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Чирчиқ

шаҳарларида **140 млн.АҚШ доллари** эквивалентидаги **4 та** қозонхона (**13 та қозонлар**) ва **90 км** иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш, **1 281 та** индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Лойиҳани яқунлаш натижасида **56,3 мингта** хонадондан иборат **1 030 та** кўп қаватли уйлар ва **92 та** ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти яхшиланади. Шу билан бирга, йилига **18,9 млн.метр куб** табиий газ ва **6,6 млн.кВт** электр энергияси иқтисод қилинади.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджетни **28 млрд.сўм** маблағи ҳисобидан 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумига қадар ҳудудий қозонхоналарнинг **48 та** қозон ва **90 км** иссиқлик тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирланади. Натижада, **5,7 млн.метр куб** табиий газ, **2,8 млн.кВт** электр энергияси ва **2 тонна** нефт маҳсулотлар (**11,3 млрд.сўм**) иқтисод қилинади.

Маълумот учун: сўнгги 3 йилда барча дастурлар доирасида жами **48 та** лойиҳаларда **38 та** қозонхоналар ва **245 км** иссиқлик тармоқлари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимини ташкил этиш учун **778 та** индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатиди. Натижада, **1 500 та** хонадондан иборат **57 мингта** кўп қаватли уйлар ва **129 та** ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти яхшиланди.

V. Кўп квартирали уйларни таъмирлаш шунингдек, кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарни янгилаш бўйича.

2025 йилда республикадаги **2 043 та** уйларни том қисмини, **7 628 та** уйларнинг кириш йўлакларини, **1 728 та** ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникацияларини, **964 та** уй ичидаги муҳандислик тармоқларини ва **778 та** фасад қисмини таъмирлаш ва **1 476 та** темир эшикларни ўрнатиш ҳамда **505 та** лифт ускуналарини янгилаш режалаштирилган.

Маълумот учун: 2024/2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида бошқарув ташкилотлари томонидан **5 409 та** кўп квартирали уйлар **148,8 млрд сўм** маблағ ҳисобидан таъмирланди.

Жумладан, **1 781 та** уйларнинг том қисми, **4 637 та** кириш йўлаклари, **3 624 та** электр тақсимловчи шитлар, **1 203 та** уйларнинг ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникациялари, **852 та** уйнинг ички муҳандислик тармоқлари ва **737 та** уйларнинг фасади таъмирланди ва **1 544 та** кодли қулфли темир эшиклар ўрнатилди ҳамда **428 та** лифт ускуналари янгиланди.

Шунингдек, ҳудудлар ривожлантириш дастурлари асосида авария ҳолатидаги ва маънан эскирган жами **808 та** кўп квартирали уйлар ўрнига янги замонавий кўп қаватли уйлар қуриш бўйича режа-кўрсаткичлари белгиланган. Жумладан, Қорақалпоғистонда **106 та**, Бухоро вилоятида **10 та**, Жиззах вилоятида **76 та**, Қашқадарё вилоятида **100 та**, Наманган вилоятида **37 та**, Сурхондарё вилоятида **6 та**, Фарғона вилоятида **473 та**.

Бугунги кунда бузиб қайта қуриладиган уйларнинг Манзилли дастурларини тасдиқлаш ва ҳудудларнинг бош режалари асосида дастлабки ҳисоб-китоб ва инвесторларни аниқлаш ишлари амалга оширилмоқда.